
ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари учун 10 декабрь санаси қўшалок байрам бўлди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ҳақидаги қонун қабул қилинганига 27 йил тўлган кунда туман ҳокимлиги томонидан кўп тармоқли марказий поликлиникага жиҳозланган махсус,, Дамас " автомашинаси топширилди. Туман ҳокими Й.Бойигитов машина калитини топширар экан, тиббиёт бўйича қилинадиган ишлар кўплиги, бу бошланиши эканлигини таъкидлади. Туман ИИБ бошлиғи Ҳ.Тошпўлатов бу машина ҳомиладор аёлларни туғруқхонага ташишга хизмат қилсин, дея тилак билдирди. Ҳоким ўринбосари М.Ҳатамов Давлат мадҳияси қабул қилингани тарихи, унинг давлат рамзи сифатидаги ўрни ҳақида гапирди.

2019-12-10 16:11:15